



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 13 ноябр, шанба № 161 (808)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

В.В.Фенни Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1999 йил 12 ноябр

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Н.Комилов матбуот конференциясини очар экан, шу йилнинг 31 октябрида комиссия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш жараёнини якунлаганлигини, 1242 нафар депутатликка номзод рўйхати матбуотда эълон қилинганидан кейин, сайловолди ташвиқоти бошлаб юборилганини таъкидлади. Бу Марказий сайлов комиссияси учун ҳам, округ ва участка сайлов комиссиялари учун ҳам, депутатликка номзодларнинг ўзлари учун ҳам катта синов давридир. Сайловолди ташвиқотида адолат тамойилларига қатъий риоя қилинишига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, анжуманда Марказий сайлов комиссияси рўйхатдан ўтказилган депутатликка номзодларнинг ижтимоий келиб чиқиши, партияга мансублиги, миллати, жинси, маълумоти ҳамда сайлов округларига доир статистик маълумотларни атрофлича ўрганиб чиққанлиги таъкидланди. Айтилган бўлса, комиссия томонидан бу борада технологик тизим ишлаб чиқилгани, унинг ёрдамида депутатликка номзодлар ҳақида ис-

талган вақтда исталган маълумотни олиш мумкинлиги қайд этилди. Сайловолди ташвиқоти жараёнида фойдаланилиши мумкин бўлган манбаалар - оммавий ахборот органлари материаллари, кургазмали воситалар, жумладан, плакатлар, сайловчилар билан бевосита учрашувлар давомидаги мулоқотлардан тула фойдаланиш зарурияти кўрсатиб ўтилди. Конференцияда мам-

лакатимизда бўлажак сайловлар бутун жаҳон жамоатчилигида ҳам катта қизиқиш уйғотган; Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Олий Мажлисга сайловда ЕХҲТдан 20 нафар экспертнинг кузатувчи сифатида қатнашиши кутилаётгани маълум қилинди. Анжуманда журналистларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Бўлажак сайловларга Шахрисабз туманидаги 612/45 - Мўминобод сайлов участкасида ҳам пухта тайёргарлик кўрилаяпти. Бу ерда 2463 нафар сайловчи рўйхатга олинган. Улар орасида 100 ёшли Курбон бобо Азимов, Суяра бобо Нийёзовлар ҳам бор. Улар кўпчиликнинг севимли масканига айланган жойга ташриф буюриб, ёш сайловчиларга аввалги сайловлар-



Бўлажак сайловларга Шахрисабз туманидаги 612/45 - Мўминобод сайлов участкасида ҳам пухта тайёргарлик кўрилаяпти. Бу ерда 2463 нафар сайловчи рўйхатга олинган. Улар орасида 100 ёшли Курбон бобо Азимов, Суяра бобо Нийёзовлар ҳам бор. Улар кўпчиликнинг севимли масканига айланган жойга ташриф буюриб, ёш сайловчиларга аввалги сайловлар-

АЁЛНИ УЛУГЛАБ

Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармасига қарашли спорт мажмуида аёллар йилига бағишлаб ўтказилган миллий спорт турлари ва халқ уйинлари «Тумарис» фестивали байрами ташкилотчиларидан бири Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш марказий институти жисмоний тарбия ва спорт кафедраси мудири, профессор Талъат Усмонхужаев куйидагиларни айтди:

Жиззахда ўтказилган фестивал 1991 ҳамда 1996 йилларда Фориш туманида республика миёқсида миллий спорт турлари ва халқ уйинларини тиклаш ва ривожлантириш мақсадида ўтказилган олимпиаданинг давоми ҳисобланади. 1991 йили А. Қодирий номидаги Жиззах Педагогика институтида миллий уйинларимизга бағишлаб ўтказилган илмий анжуманда 50 дан ортиқ МДХ ҳамда хориздан мутахассис олимлар иштирок этганди. Улар Форишда катта сайлгоҳдаги фестивални бевосита кузатишиб, миллий спорт турларимиздан улоқ, кураш, пойма ҳамда бурон, тортишмачок, туптош, киркиташ, тақия (дуппи) туширар каби ҳаракатли уйинларимизнинг гувоҳи бўлишди. Ушундан улар менга жуда катта таассурот қолганлигини айтганди. Масалан, америкалик меҳмон Камилла хоним уз эҳтиросларини куйидагича ифодалаганди: «Бу уйинларни куриб ўзбек халқи уз миллий қадриятларини шунчалик севиб, қадрлашига қойил қолдим. Бахсларни бу даражада кутаринки руҳда утгани мени жуда ажаблантирди».

Россиялик профессор Борис Прокудин эса, «Биз россияликлар миллий уйинларимизни унутиб қуйдик. Сизларнинг муваффақиятингиз шундаки, уз миллий уйинларингизни сақлаб, унинг ривожига кенг имконият яратиб бераёсизлар», деган эди. Бу хайрилик тadbирини келгуси йил Наманган вилоятида ўтказиш кузда тутилмоқда.

«Туркистон-пресс»

Тошкент вилоятида халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқот-тарғиботи қизгин бошлаб юборилди. Ҳар бир уринга уртача икки-уч нафар номзод овозга қўйилаётган. Шу боисдан ҳам бу галги сайловларда кўпчиликнинг ишончини қозониш, маҳаллий вакиллик органидан жой эгаллаш осон иш эмас. Сайловларга тайёргарлик жараёни сиёсий партия-

ҲАР БИР САЙЛОВЧИ ЎЗИ УЧУН ОВОЗ БЕРАДИ

лар, ҳоқимият вакиллик органлари ҳамда фуқароларнинг юксак фаоллиги, энг муҳими, улар фикри, фикрларининг хилма-хиллиги билан кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Буни Бука тумани мисолида ҳам аққол қуриш мумкин. Туманда бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга катта масъулият билан ёндошилмоқда. Зеро, маҳаллий кенгашдаги ўттиз депутатлик ўрни учун 89 нафар номзод кўрсатилган бўлиб, туманни келгуси беш йил мобайнида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолига яхши турмуш шароитини яхшилаш кўп жиҳатдан ана шу номзодларни нечоғлик танлаб олишга боғлиқ. Бу ерда сайлов округлари ва участкаларига бирмунча қўлай бинолардан жой ажратиб берилгани, сайлов билан боғлиқ бошқа тadbирларни ўтказиш учун ҳам яхши шароит яратилгани таъкидлаш лойик. Сайлов комиссияларига кўпроқ ижтимоий-сиёсий фаол, ҳуқуқий саводдон, энг муҳими, сайловларнинг туб моҳиятини чуқур англайдиган кишиларнинг жалб этилгани кишини қувонтиради.

Депутатликка номзодлар ташвиқот-тарғиботи учун тенг шароит яратиб беришга, қолаверса, аҳоли уртасида янги сайловларнинг туб моҳиятини тушунтириб боришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунда маҳалла фаоллари, айниқса, зиёлиларнинг кумаги катта бўлаётган.

Матбуот конференцияси

Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот конференцияси бўлажак сайловларга тайёргарлик якунларига бағишланди. Матбуот конференциясида хабар қилинишича, фуқароларнинг овоз беришлари учун барча сайлов участкалари тайёр. Олий Мажлис, Жўқорғи Кенгес ва маҳаллий ҳоқимият органларига депутатликка номзодлар ташвиқот-тарғибот ишларини бош-

Эл саломатлиги йўлида

Қорақалпоғистон Республикасида тиббий хизматни яхшилашга жиддий эътибор берилаяпти. Марказдан олисдаги овулларда янги шифо масканлари очилмоқда. Қуни кеча Кегайли туманидаги «Қуаниш жарма» ширкатлар бирлашмасида замонавий қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Янги шифо маскани барча зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Малакали шифокорлар беморларга хизмат кўрсата бошлади.

«Ишонч» бонг уради

БАНДИХОНДАГИ ЖАРОБА ШИФОХОНА

Бандихон Сурхондарё вилоятининг нисбатан янги ташкил этилган райони. Чўлда муаммо кўп. Буни яхши билган деҳқону чорвадорлар, зиёлилар эртанги кунга қониқ ишонч билан боқиб, сабр-қаноат билан яшамокдалар. Бирок ҳаёт учун, инсон саломатлиги учун сув ва ҳаводек зарур бўлган муассасалар ишини намунали йўлга қўйиш, уларни керакли жиҳозлар билан тўла таъминлаш тақозо этилади. Бу изох талаб қилмайдиган ҳақиқат. Бахтга қарши туман раҳбарлари марказий шифохонанинг янчили аҳволдалигига эътибор бермай келишяпти. Айниқса

Яхши ишлаб, яхши яшайтганлар

Юрт қорига яраш... Инсон ақл-идроқи, ғайрат-шижоатини, имкониятию салоҳиятини белгиловчи мезон. Уни юрагига жо қилиб олганлар умр бўйи шу замин, шу суюқлик юртини ардоқлашга интиляпти. Қутлуг ниятлар ила яшамок эса инсонга обрў келтиради. Бугун биз сизга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган инсон ҳам ана шундай замондошларимиздан биридир.

НУРОНИЙ ЯРАТГАН БЎСТОН

Ориф ота Бозоровни бугун нафақат Ғиждувон аҳли, балки бутун Бухоро воҳаси меҳнатқашлари яхши танишади. У киши шу азим диёрнинг Зарафшон соҳилида жо йлашган энг сулим, энг кўркам Адоқ киши лоғида истиқомат қилади. Кекса айиб, нафақа қиссада, даладан бери келмайди. Интилганга толе ёр деганларидек, камтарона меҳнатлари туфайли элга танилди. Меҳнатдан бахт топди. Бола-чақали, набиралари бўлди. Гарчи нафақада бўлишига қарамадан дарв буйидаги 5 гектар ерни обод қилиб, хилма хил қовун етиштириш мумкинлигини амалда исбот қила олган ҳам шу киши. Ишининг қизини билган Ориф ота қизлари, угли ва набираларини қанотига олиб тиним билмай ишлади. Қузда ерни сифатли қилиб ҳайдаб, уғитлади. Эрта баҳорда ҳамирдек қулчи қиққан замин бағрига уруғ қадди. Хўжалик билан шартнома тузиб, гектаридан ҳамда 150 центнер ҳосил етиштириш мажбуриятини олди. Ният ҳолис бўлса ҳаммаси буларкан. Бозоров-

«ПУЛЬСАР»НИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

Пойтахтдаги «Ўзэкспромкарказ»да чеҳриялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган «Пулсар» савдо-ишлаб чиқариш концерни янги маҳсулотларнинг тақдими бўлиб ўтди.

Усмон НАВРЎЗ «Ишонч» мухбири.

Кўнгиш сўраб, даврага қушидик. Полициликнинг бугуни, эртаси хусусидаги суҳбатимиз узоқ давом этди. «Уз қўлим билан яратган болдек ширин ва тоғли маҳсулотлардан биринчи бўлиб кўп болали кам таъминланган оилаларга, болалар боғчаларига, мактаб ўқувчиларига, қўшни қишлоқларнинг вакилларига улашдик. Дарҳақиқат, Ориф ота умр бўйи ердан меҳрини узмай, уни эъзозлаб келаятган деҳқонлардан бири. Айни вақтда қизлари, угли ва набиралар ҳам унинг қасбини танлаб, дастурхонимиз тухин бўлиши учун уз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Лип, лип... ўчди

Термиз шаҳри мактабларида азалдан ишлатиб келинган қўл қўнғироқлари чалинадиган бўлиб қолди. Гап шундаки, шаҳар халқ таълими бўлими электр тармоқлари корхонасидан 1,5 миллион сўм қарздорлиги туфайли электр узатиш тўхтатиб қўйилди. Шунинг учун мактабларда чироқ ёнмай, электр қўнғироқларию компьютерлар ишламай қолди. Бугина эмас. Шаҳар халқ таълими бўлими мудири Хужамурод Чориевнинг айтишича, шаҳар ҳоқимлигининг молия бўлими мактаблар учун талаб даражасидаги пулни ажратмаган. Натигада жами 46 миллион сўмлик кредиторлик қарзи пайдо бўлган. Қарз-қарзга улашиб қупаяверди. Энди эса унта болалар богчаси, бешта мактабда сув ҳам

Чори ТҲХТАЕВ, ЎЗА мухбири.

булими ва мактаб-боғчалардаги телефонлар сентябр ойидан осилиб турибди. Хуллас, шаҳар ҳоқимлиги ва мутасадди ташкилотлар узаро олди-берди ишларини ҳал қилмагунча аҳвол ўзгармаслиги аниқ. Қишнинг қорли-қировли кунлари эса эшик қоқиб турибди.

Чори ТҲХТАЕВ, ЎЗА мухбири.

Тақдиримиз маросимида намоиш этилган янги маҳсулотлар - «Крем-сода», «Буратино», «Замоскворецк кваси» ва «Дюшес» яхна ичимликлари хуш-таъмлиги билан фақат болаларнигина эмас, катталарни ҳам узига жалб этади. Қўшма корхона раҳбари Ян Догнал журналистларга Ўзбекистондаги фаолияти ҳақида сўзлаб берар экан, мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яхши шарт-шароит яратилганини таъкидлаб ўтди. «Пулсар» утган уз йил давомида йирик концернга айлангани бу фикрнинг далилидир.

Усмон НАВРЎЗ «Ишонч» мухбири.

Чехиянинг «Ян Догнал Пульс» фирмаси билан ҳамкорлик 1996 йили бошланган эди. Уша йили Самарқандда «Самарқанд-Прага» маъданли сув ишлаб чиқариш қўшма корхонаси ташкил этилди. Утган давр мобайнида ҳамкорлик қўшма кенгайиб, қўшма корхоналар сони олтига етди. Улар минерал сув, турли чанқовбости ва энгил алкоғолли ичимликлар ишлаб чиқармоқда. Энди «Пулсар» савдо-ишлаб чиқариш концерни уз маҳсулотларини экспорт қилиш ҳақини янада кенгайтириш имкониятларини қидирмоқда.

Чори ТҲХТАЕВ, ЎЗА мухбири.

Чори ТҲХТАЕВ, ЎЗА мухбири.

Чори ТҲХТАЕВ, ЎЗА мухбири.

Чори ТҲХТАЕВ, ЎЗА мухбири.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ МЕХНАТКАШЛАР ҲАҚ-ҲУКУКИНИНГ УСТУВОР ҲИМОЯЧИСИ

Касаба уюшмалари Фаргона вилоят Кенгашининг бўлажак ҳисобот-сайлов конференцияси иштирокчилари асосий эътиборни тараққиётга тўғон бўлаётган камчиликлар, ечимини кутаётган муаммоларга қаратишга жазм қилишган. Аини пайтда ҳисобот давридаги илгор тажрибаларни оммалаштириш, меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси, деган номни амалий фаолият орқали оқлаш, мамлакатимизда ҳурматли Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган том маънодаги инсонпарварлик сиёсатини изчил давом эттиришга муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир конференция иштирокчисининг дил муддаосидир.

Ижтимоий ҳимоя

АЁЛ ЧЕХРАСИДА ТАБАССУМ

Касаба уюшмалари ва хотин-қизлар кўмиталари фаолиятидаги ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Жорий йил бошида «Аёллар йили» дастури асосида вилоят хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда қатор ҳаётий тадбирлар белгиланган эди. Уларни амалга ошириш мақсадида дастлаб жойларда кўлаб йиғилишлар ўтказилди ва ўртага ташланган тақлифлар, кўтарилган муаммолар умумлаштирилди.

Сунгра вилоят миқёсида йирик корхоналар, бирлашмалар раҳбарлари булган хотин-қизлар, халқ ҳужалигининг турли соҳа раҳбарлари, касаба уюшма ва ҳокимлик вакиллари иштирокида амалий кенгаш ўтказилди. Ушбу анжуманда тармоқ касаба уюшмалари ва хотин-қизлар кўмиталарига тақлиф-мулоҳазаларни қайта куриб чиқиш, маъжуд имкониятларни тулар ҳисобга олиш ва маъмурият билан жамоа шартномаси тузиш юзасидан топшириқлар берилди. Якуний йиғилишда аёллар манфаатларини таъминлаш бўйича дастур ва унинг бажарилишини назорат қилувчи вилоят мувофиқлаштирувчи кенгаши тасдиқланди. Йиғилишда «Богдод нон» маҳсулотлари ҳиссадорлик бирлашмаси касаба уюшма кенгашининг корхона имкониятидан келиб чиқиб, ишчи-ҳодимларга энг кам иш ҳақининг 100 фоизи, 3 ёшгача фарзанди булган аёллар ойлик машошларига энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорда қўшиб бериш, меъёрдан юқори иссиқ ва совуқда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг иш ҳақларига қўшимча 20 фоиз, шунингдек чўл ҳудудларида ишлаётганларга ҳам 20 фоиз устама ҳақ тулаш тўғрисидаги, Тошлоқ туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан ишловчиларни соғломлаштириш

мақсадида соғлиқни сақлаш тизими билан ҳужалик, корхона, муассасаларнинг узаро шартномаси асосида ходимларни зарур дори-дармон билан таъминлаш борасидаги ташаббуслари қўллаб-қувватланди.

Амалдаги йилнинг утган ойлари давомида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида хотин-қизларнинг ижтимоий - иқтисодий ва спорт тадбирлари ўтказилди. Касаба уюшмалари ва хотин-қизлар кўмиталарининг ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги натижасида ҳуқуқий, маърифий ишларнинг самараси кузга ақол ташланди. Вилоятдаги 500 га яқин корхона, ташкилотларда жамоа шартномасига асосан ишчи-хизматчи аёлларнинг иш ҳақлари маошлари сақланган ҳолда қисқартирилди.

Вилоятдаги ёқилги, энергетика, кимё ва геология санюати тармоқларида аёлларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш борасида талай ибратли ишлар амалга оширилди.

Савдо ва умумий оқватланиш тармоқларида аёллар иш вақтини қисқартириш билан бирга қарҳамон оналарнинг маоши 2 бараварга, кўп болали аёлларнинг иш ҳақлари 50фоизга кўтарилди, шунингдек, ногирон, шароити оғир, боқувчисини йўқотган оилаларга моддий кумак бериш, 40 дан ортиқ жамоа ҳужалиқларида 5 ойдан бошлаб ҳомилдорлик таътилига чиқариш каби эзгу тадбирларга қўл урилди.

Фазилат ҚОСИМОВА,
Соғлиқни сақлаш
ҳодимлари касаба
уюшмаси вилоят
кўмитасининг раиси.

Сайлов қонунлари амалда

МУНОСИБ НОМЗОДНИ ЁҚЛАЙМИЗ

Касаба уюшма фаоллари сайловлар жараёнида ҳам юксак ташкилотчилик қўрсатиб фаолият юритишга ҳаракат қилишмоқда. Эртанги кунимизнинг қандай бўлиши, ҳаёт олдимизга қўётган масъулиятни вази-фалар қай йилда ҳал этилиши чинакам демократик асосда сайланадиган депутатларнинг салоҳиятига боғлиқдир. Шунинг учун сайлов округлари, сайлов участкаларида тез-тез бўлиб, депутатликка номзодларнинг фазилатларини чуқур урганмоқдамиз, дастурлари билан танишмоқдамиз.

Яқин англадимки, Олий Мажлис депутатлигига курсатилган номзодларнинг аксарияти ҳаётда узини курсатган, бой тажрибага эга булган, фидокор кишилардир. Бирок, уларнинг энг муносиблари Парламент аъзоси бўлиш бахтига сазовор бўладилар.

Шу уринда бир мулоҳаза: таҳлил шуни курсатмоқдаки,

Корхонада 735 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг 183 нафари аёллардир. Бу ерда асосан ун ва омўхта ем ишлаб чиқарилади. Жорий йилнинг ўн ойи давомида 2 млрд. сўмдан ошди ун маҳсулотлари, 15994 тонна чорва учун омўхта ем ишлаб чиқарилди. Хозирги кунда Фаргона шаҳрида Туркиянинг «Экмасан», Қирғизда Германиянинг «Винклер» қурилмаси асосида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехлар ишлаб турибди.

Бу цехларда 20 хилга яқин неъмат тайёрланмоқда. Тошлоқ ва Охунбобоев туманларида ҳам ана шундай цехлар ташкил қилинган. Ун ойи мобайнида 1175 тонна нон, 121 тоннадан зиёд макарон, 2,5 тоннага яқин қандолатчилик маҳсулотлари эл дастурхонига тортилди. Ишчи-хизматчиларнинг уртача ойлик маошлари 10 минг сўмни ташкил этади. Корхона бошланғич касаба уюшма ташкилоти ҳам фаол иш олиб бормоқда. Маъмурият ва касаба уюш-

долатчилик маҳсулотлари эл дастурхонига тортилди. Ишчи-хизматчиларнинг уртача ойлик маошлари 10 минг сўмни ташкил этади. Корхона бошланғич касаба уюшма ташкилоти ҳам фаол иш олиб бормоқда. Маъмурият ва касаба уюш-

Меҳнат ва рағбат

ИШЧИ КАЙФИЯТИ

маси уртасида тузилган жамоа шартномаси шартлари бажариляпти. Корхонада жамоа аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор тадбирлар белгиланган. Корхона маъмуриятининг ташаббуси билан ишчи-ҳодимлар йил давомида 38-45 минг сўмлик ҳар хил ёрдамчи ҳужалик маҳсулотлари билан таъминланмоқда. «Аёллар йили»да турли рағбатлантиришлар жорий қилинди. Ишчи-ҳодимларнинг 40 нафар фарзанди соғломлаштириш оромгоҳларида бепул дам олдилар. Корхонада меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш ҳам аънаъана айланган. Жамоа шартномасига асосан ишчи-хизматчилар меҳнат шартларини яқинлаш чора-тадбирлари

қурилган. Маънавият ва маърифат масалалари, спорт ишлари маъмурият, касаба уюшма кўмитасининг доимий диққат марказида. Эришилаётган дастлабки ютуқларнинг омили ҳам ана шуларда бўлса керак.

Ақбаржон АБДУЛЛАЕВ,
«Фарғонадон»
ҳиссадорлик уюшмаси
касаба уюшма кўмитаси
раиси.

Биз бошлаган ислохотларимизнинг пировард мақсади битта - Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш. Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пўхта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислохот, янгилаш ҳақидаги барча сўзларимиз, саясий-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади.

Ислом КАРИМОВ.



Моҳир тўқувчи Г. Хайдарова ҳалол меҳнат тўғайли обрў-эътибор қозонган бахтиёр аёллардан бири. У ўз шоғирдлари билан ҳақли равишда фахрланади.

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

Касаба уюшмалари фаолиятида меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳим ўрин тутарди. Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспекцияси бу борада муайян ишларни амалга оширмоқда. Амалдаги йилнинг 9 ойи давомида инспекция номига фуқаролардан 68 та ариза-шикоятлар тушди. Уларнинг 30 таси Фаргона шаҳридаги ташкилот, муассасалар раҳбарлари фаолияти билан боғлиқдир.

туланмаётганлиги хусусида ҳам гап боради. «Фарғона-вилоятгаз»да тижорат бўлимини бошқарган Х.Ахмедованинг шу мазмундаги талаби қондирилиб, унга нафақа пуллари ундириб берилди.

Касабақўм мурасасозлик қилган жойда

МАОШ ҚАЧОН БЎЛАРКИН ?

1999 йил Аёллар йили деб эълон қилинганда бизга ҳам эътибор кўчар, мушкулми осон булар, дея умид қилгандик. Бирок, ҳамма уйлағанларимиз орзулигича қоляпти. Баъзида одамга алам қилади, биз ҳам бошқалар қатори ўз хизмат вазифамизни сидқидилдан адо этаяпмиз. «Нилуфар» боғча-яслисидаги кичкинтойларни меҳр билан тарбиялапмиз. Боғчадаги шароит ёмон эмас. Таъминот масаласида ҳам узилишлар бўлмайдилар. Хуллас, жажжилар яйраб-усиб камол топишлари учун қўлимиздан келган барча ишларни қиляпмиз. Яширишининг хожи йўқ. Баъзида ҳашар уюштириб ёнотрофни тартибга келтириамиз, муаммоларни имкон қадар ҳал этамиз.

Бирок, бир нарса бизни қийнаб келмоқда. Яъни, бир йилдан ортиқ вақтдан буюн маош олмаяпмиз. Бозор шароити, маошсиз тирикчилик қилиш қийин. Арзимизни айтиб Т.Исоқов номли жамоа ҳужалиги раҳбарларига, туман халқ таълими бўлими мутасаддиларига ҳатто ҳокимга ҳам учрашдик. Улар ваъда беришдан нарига утишмаяпти. Таажубки, касаба уюшма вакиллари ҳам мурасасозлик қилмоқдалар. Қийналганимиздан бир неча бор арз-ҳол қилдик. Шунда ҳам бор онанга, бор отанга қабилида иш туттиляпти. Билмадик, маош олиш бизга қачон насиб этаркин?

Олтириқ туманидаги «Нилуфар» боғча-яслиси ходимлари номидан:

Ш. НОРАЛИЕВА,
Ф. АХМЕДОВА,
А. МАХМУДОВА.
Жами 18 имзо

Сўз конференция делегатига

НИМАДАН КЎНГИЛ ТЎЛМАЯПТИ?

Бозор шароитида касаба уюшмаларининг инсон ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси сифатидаги фаолияти алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айна одамлар мушкулни осон этишда ҳисобот даврида муайян ишлар амалга оширилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра вилоятдаги 504 та корхона ва ташкилотлар ўз ишчи-хизматчиларига 1 млрд. 758 млн. 500 минг сўм иш ҳақини қарздор бўлганлар. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши ҳамда тармоқ кўмиталарининг талаблари, амалга оширилган тадбирлар тўғайли иш ҳақидан қарздорлик 10 октябрь ҳолатига 528 млн. сўмга тушди.

булиб ўтди. Унда таъкидланганидек, ҳисобот даврида вилоятимизда жами 761 та бахтсиз ҳодиса содир бўлибди. Оқибат натижада не-не умри азизлар ҳаётдан бевақт куз юмдилар. Демак, меҳнат жамоаларида касаба уюшмалари роли ва нуфузини ошириш ҳақида алоҳида бoш қотириш керак. Бошланғич ташкилотларда бўлиб ўтган ҳисобот сайловлар кадрлар таркибининг иқтидорли, тадбиркор, ташаббускор кишилар ҳисобига мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди. Эндиги вазифа ёш етакчиларга етарли шарт-шароитлар яратиш, хайрли ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширишдир.

Ҳисобот даврида энг оммавий ташкилот мутасаддилари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг чинакам ҳимоячиси сифатида ҳаракат қилдилар. Утган давр мобайнида 371 киши қайта ишга тикланганлиги, уларнинг 1 млн. сўмдан ортиқ ҳақлари ундириб берилганлиги фикримизнинг далилидир. Конференцияда бошланғич ташкилотлар жанговарлигини ошириш, кадрларда замонавий иш усул ва услубларни шакллантиришининг аҳамияти ва аини пайтда мурасасозлик оқибати ҳақидаги фикрларини уртага ташламоқчиман.

А. ЯХШИБОВЕВ,
етақчи мутахассис.

НАФАҚА ПУЛИ УНДИРИЛДИ

дан утолмаганлиги сабабли вазифасидан озод этилган. Текширишда эса аттестация ноконуний тарзда ўтказилганлиги аниқланди. Меҳнат ҳуқуқ инспекцияси юқоридаги ходимларни тегишли қонунлар талабларига асосан ўз ишларига тиклади.

Мурожаат этган аризачилар орасида 2 ёшгача бола парварлишида (таътилда) булган аёлларга нафақа

Савдо ва тайёрлов бошқармасида ҳисобчи бўлиб ишлаган Н.Виноградовага маъмурият айби билан ўз вақтида меҳнат дафтарида ва ҳисоб-китоб пули берилмаган. Бу аризачининг ҳам муаммоси қонун асосида ҳал этилади. Меҳнат ҳуқуқ инспекцияси утган давр мобайнида ўз режасига кура жойларда УэРМК талабларининг

Ибрат олса арзийди

ФАЗИЛАТ

Ҳаётда омилкор, эл ишига камарбаста инсонлар кўп. Бирок, корхонамиз касаба уюшма кўмитаси раиси Р.Фозилов ҳақида яйраб гапираримиз. Ташкилотчи, қатъиятли, ишчи-хизматчиларга қайишадиган бу фидойи инсон кўпгина савобли ишларга бош-қош.

Кайфиятга кўп нарса боғлиқ. Агар ишлаган жойингда муҳит яқши бўлса, топиш-тутишинг қаноатлантирас, узингни аямий меҳнат қиласан киши. Республикага танилган корхонада ишлаётганимиздан фахрланамиз. Яқинда қувончли воқеа содир бўлди: Корхонамиз жаҳон бозори талаблари асосида маҳсулот сифати бўйича Женева шаҳрида ўтказилган куриқда «Олтин юлдуз» совринини олишга муваффақ бўлди.

Каерда касаба уюшма фаолияти намунали йўлга қўйилган бўлса, уша ерда ишчи-хизматчи эмин-эркин ишлайди, имтиёзлардан унумли фойдаланади. Аввало, кўп кишилик жамоамизда меҳр-оқибат кучайиб бораётгани барчани қувонтираяпти. 12 нафар урам қатнашчисининг уйлари таъмирланиб, кам-кусти бутлаб берилди. Ишчиларга 10 ой давомида 4 млн. 156 минг сўм мадд пули берилди. Касаба уюшма вакиллари ак-



Учқўприк тумани касаба уюшма мутасаддилари ҳокимликда аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш юзасидан ибратли ишларни амалга оширяпти. Хусусан, аксарият жамоалардаги тиббиёт хоналари энг зарур дори-дармонлар билан таъминланган. Бунда ҳамшира Шохиста Хайдарованинг ҳам ҳиссаи бор.

1999 йил - Аёллар йили



"НЕКСИЯ" БИЗГА ҲАМ ЯРАШАДИ

Республика автохаваскорлар кўнгилли жамияти автомобил мактаби 1976 йил ташкил этилган бўлиб, унда йил давомида 2000га яқин йигит ва қизлар ҳайдовчилик гувоҳномасини олишди. Асосан «В» тоифадаги ҳайдовчилар тайёрлайдиган мазкур мактабда машғулотлар икки сменада олиб борилади. Ҳар бир гуруҳда 30 нафар тингловчи бўлиб, улар 3 ой мuddат ичида ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлишади.

15 йилдан бундан уқитувчилик қилаётган Қурбонкул Ирискуловни 3-гуруҳ тингловчиларига сабоқ бераётган пайтида учратдик. Улар билан булган сўхбатдан маълум бўлишича, тингловчиларга биринчи кундан оқув курсатувлари намойиш қилинади. Кейин эса махсус дастур асосида назарий билимлар бериб борилади.

Уқув паркидаги мавжуд 25та автомобилнинг 18 таси УЭДЭУавто қўшма қорхонасида ишлаб чиқарилган, - дейди биз билан сўхбатда автомактаб директори Шарип Ирнарзоров. - Бу ерда 70 фоиз аёллар ўқийди. Уз навбатида бу ҳам бизнинг аёлларга булган муносабатимизни аниқлатади.

УЭДЭУ автосервис билан тузилган шартномага кура, махсус дастур асосида автомактабга тегишли булган машиналарга малакали хизмат курсатилмоқда. Узимизда ишлаб чиқарилаётган машиналар

ҳам қулай, ҳам иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Қолган машиналаримизни ҳам янгилаш ниятимиз бор.

Тошкент автомобил йўллари институтида ташкил этилган йул ҳаракати хавфсизлиги маркази билан ҳамкорликда иш олиб бораётган автомактаб самарали натижаларга эришмоқ-



Суратларда ўқув машғулотларидан лавҳалар. И. ҲАСАНОВ олган суратлар.

да. Янгиликка интилиб, ташаббус курсатиб ишлаётган Маҳмуд Содиков, Йўлдош Мавлонов, Ҳожиқабар Қосимов, Тоҳир Ҳожибоев, Шавкат Хобусов каби уқитувчилар бошқаларга уртак бўлаётир.

— Автомактабимиз эришаётган ютуқларда энг оммавий ташкилот вакилларининг ҳам узига хос улуши бор, - дейди жамоа касаба уюшмаси кумитаси раиси Қурбонкул Ирискулов. — Жамоа аъзолари касабақум ташаббуси билан Бухоро, Самарқанд, Хива каби қуржам ва ҳаминша

навқирон шаҳарларга сайёҳат қилиб келишди. Яқинда нишонланган автомобилчилар кўни муносабати билан барча ходимларимизга қимматбахо совғалар топширилди.

Бундан ташқари ёзда ходимларимиз ва уларнинг фарзандлари оромгоҳларда, соғломлаштириш масканларида дам олиб қайтидилар. Республикаимизнинг турли гушаларида мавжуд булган санаторийларда ходимларимиз кўнгилли хордиқ чиқаришиб, ўз соғлиқларини мустаҳкамлашмоқда.

Нилуфар АБЗАЛОВА.

Фойдали маслаҳатлар

БОЛАГА САБЗИ БЕРИҢГ

Кўпгина бошқа сабзавотларга қараганда сабзи провитами А қоритинга бойдир. Қоритин киши организмда витамин А га айланади. У ўз вақтида нормал устига таъсир этади. Шу сабабли ҳам сабзи болалар учун айниқса зарур. Ундан ташқари, сабзида В, В1, В2, РР, С витаминлари, калий натрий тузлари, кальций, магний, фосфор, темир, шакар, пектин моддалари ҳам бор.

Сабзини қирғичдан чиқариб берилса, яна ҳам яхши. Бундан қоритин моддаси тулароқ ўзлаштирилади.

Бир ёшга тулмаган бола кўнига биттадан сабзи истеъмол қилиши керак. Уни шарбат шаклида ёки пишириб бутқа тарзида бериш керак.

Ёши тулган бола кўнига 100 грамм, кейинроқ 150 граммгача сабзи истеъмол қилиши мумкин.

ВАҚТИДА ОВҚАТЛАНТИРИШ

Соғлом киши турли овқатларни истеъмол қилиши лозим. Овқатга қанчалик кўп хил масаллик солиб пиширилса, шунчалик фойдали бўлади.

Кўнига турт марта овқатланиш керак. Кун буйи истеъмол қилиниши лозим булган овқатнинг 25-30 фоизини нонуштада, 10-15 фоизини тушки овқат вақтида, 40-45 фоизини тушлиқда ва 15-20 фоизини кечки овқат пайтида истеъмол қилиш керак.

Кўнига уч марта овқатланиладиган бўлса, кўнлик овқатнинг 25-30 фоизини нонуштада, 40-45 фоизини тушлиқда ва 20-25 фоизини кечқурун истеъмол қилиш керак. Маълум вақтда овқатланишига одатланишининг муҳим аҳамияти бор. Кечки овқатни уйкуга ётишдан 1,5-2 соат олдин истеъмол қилиш керак.

УЛКАН КЕМАЛАР

Эрадан аввал Мисрда подшолик қилган Птолемей Филафотор замонда қурилган бир кеманинг XIX аср бошларида моделини ясаган. Кеманинг узунлиги 93 метр булган экан.

У 1500 нафар қул кучи билан ҳаракатланган 200 та эшқаги булган. Кема айланаси 24 мудофаа минорали мустаҳкам девор билан уралган. Кема 3 минг жангчи томонидан қуриқланган. Бундай улкан кема ҳар бирининг узунлиги 15 метрга борган туртта эшқак-рул ёрдами билангина бошқарила экан. Кема индаги хо-

Ҳар тўғрида

налар узининг нафис безаклари, нақшин гуллари билан худди шох саройини эслатган. Хоналарга мрамар ҳайкаллар урнатилган. Кеманинг бурни 25 метр баландликка эга булган худди қиёфасида тарихда яна бир бошқа ибидий улкан кема булганлиги Тўғрисиди маълумотлар бор. У эрадан 205-215 йиллар мобайнида Сицилия давлати шоҳи Гиерон Кичик буйруғи билан архас деган бир грек устаси томонидан ясалган. Уни сувга туширишга қадимнинг машҳур математиги Архимед раҳбарлик қилган экан.

Архимед бу кема учун махсус отиш машинаси ихтиро

қилган. Бу машина 5 метрлик найзаларни ва 80 килограммик тошларни салкам 1500 метр узоққа ота олган. Подшо оиласи ва унга яқин кишилар учун кема ичида алоҳида хоналар, ҳаммомлар, кутубхона, сунъий боғ ва ҳовузулар, ҳатто отхоналар ҳам булган.

СОФ ҲАВОГА НИМА ЕТСИН!

Соф ҳаво таркибида 21 фоизга яқин кислород, 79 фоиз азот, қарбонат ангидрид ва оз микдорда бошқа газлар, шунингдек, сув буй-

лари, чанг ва микроорганизмлар бўлади.

Ер атрофини қарийб 1000 километр баландликка қоплаб олган ҳаво қобиги мана шундай тартибда бўлади. Очиқ ердаги ҳаво ҳам, хона ичидаги ҳаво ҳам зарарли моддалари булган қарбонат ангидрид, ис газли ва чанглар билан ифлосланиш мумкин.

Ҳаво мусаффо бўлмай, ҳар хил газлар, чанг ва бошқа нарсалар билан ифлосланган бўлса ҳамда киши шундай ҳавода нафас олса, унинг саломатлигига катта зиён етиши турган гап.

А.АЛИЕВ тайёрлади.



(15 ноябрдан — 22 ноябргача)

КҮЙ — Тижорат бобида дустларингиз билан тузган режаларингиз ушбу кунларда ўз самарасини беради. Жумадан яқшанбагача ишларда чалқашликлар ва қутилмаган муаммолар юз бериши қутилмоқда.

БУЗОҚ — Уйлаган ишларингизни жума кунигача битиришга ҳаракат қилинг. Яқин кунларда янги касб муҳитига тушингиз мумкин. Яна шунинг назарда тутинг! Тушунмовчиликлар, низолар юзага келиши қутилмоқда.

ЭГИЗАКЛАР — Агар гина-кудратларга эътибор бермасангиз душанба, жума ва дам олиш кунлари ишларингиз ўнгидан келиши мумкин. Ҳафта кўпгина курсаткичлар буйича сиз учун омадли келади. Рузгор икки-чиқирлари, низоли вазиятлар душанба ва сешанба кунлари безовта қилиши мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА — Оилангизда баъзи бир муаммолар безовта қилиши эҳтимол. Шанба ва яқшанбагача ҳеч қандай ишни режалаштирманг. Шамоллаб қолишдан эҳтиёт бўлинг.

АРСЛОН — Тадбиркорлик ва тижорат билан боғлиқ булган сафарлар омадли бўлиб, олди-сотида ишларингизда даромад келтиради. Пайшанба ва жума кунингизга кучмас мулк билан боғлиқ булган таклиф қутилмоқда.

ПАРИЗОД — Ушбу ҳафта сиз учун зиддиятли бўлиши қутилмоқда. Масалаларни жума кунигача ҳал қилишга ҳаракат қилинг ёхуд бошқа вақтга қолдиринг. Дам олиш кунлари харид қилишда алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Шамоллашдан сақлангиз, соғлигингиз ҳақида қайғуринг.

ТАРОЗУ — Кучингизни тижорат фаолиятига, ақлий меҳ-

натга жалб қилинг. Ушбу кунларда тавақал қилиб, турли ишларга қўл урманг, айниқса олди-сотида билан боғлиқ тижорат ишларидан узоқроқ булганингиз маъқул.

ЧАЁН — Қийинчиликлардан қўчиманг, ҳар қандай ишни режа асосида бажаринг. Тадбиркорларни эса яхшигина даромад кутмоқда.

УКОТАР — Илгари бажарилмай қолган ишларни охирига етказиш учун имконият туғилади. Бунда эски танишларингиз ёрдами ва маслаҳатига суянинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ — Ҳафта бошида қиладиган ишларни режалаштириб олинг. Чет эл сафари билан боғлиқ саҳнатларга чиқиш эҳтимоли бор. Шамоллашдан эҳтиёт бўлинг.

ҚОВҒА — Ушбу кунларда молиявий-моддий масалалар бошингизни бироз қотириши мумкин. Барча имкониятларни ишга солиб, муаммоларни бартараф этишга ҳаракат қилинг.

БАЛИҚ — Ишбилармон ва тадбиркорларни турли учрашувлар кутмоқда. Фойдали шартномаларни имзолашга эришасиз. Дам олиш кунларини оила даврасида ўтказганингиз маъқул.

ҲУРИМАТЛИ ЖАМИОРТЛАР!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси

Сизларни Республикаимизнинг ноёб табиий иқлим омиллари, маъданли сувлари ва барча даволаш имкониятларига эга бўлган санаторий ва курорт муассасаларига даволаниш ва дам олишга таклиф қилади.

Қорақалпоғистон Республикасида:

- «Гулпаршин» санаторийсига (юррак ва қон-томир, асаб, овқат ҳазм қилиш ва ҳаракат-таянч аъзолари касалликлари).

Тошкент шаҳрида:

- Кўп тармоқли «Турон» санаторийсига (қон-томир, юрак, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлари).

- «Чинобод» санаторийсига (овқат ҳазм қилиш аъзолари ва гинекологик ва эндокринологик касалликлари).

Махсус йўлланмалар буйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

Тошкент вилоятида:

- «Ботаника» санаторийсига (овқат ҳазм қилиш аъзолари ва асаб касалликлари).

Махсус йўлланма буйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

- Кўп тармоқли «Бўстон» санаторийсига (қон-томир, юрак, асаб ва урологик касалликлари).

- «8-март» санаторийсига (гинекологик касалликлари ҳамда бепуштлиқ билан оғриган эр-хотин даволанади).

- «Оқ-Тош» санаторийсига (нафас аъзолари-

нинг туберкулёзга алоқадор бўлмаган касалликлари).

Андижон вилоятида:

- Кўп тармоқли «Марҳамат» санаторийсига (қон-томир, юрак, асаб ва сурункали тери касалликлари).

Бухоро шаҳрида:

«Ситораи Моҳи Хосса» санаторийсига (буйрак ва урологик касалликлари) ёз фаслида (асаб, овқат ҳазм қилиш, таянч ҳаракат аъзолари касалликлари).

Қашқадарё вилоятида:

- Қарши шаҳридаги «Қашқадарё соҳили» санаторийсига (қон-томир, юрак, асаб, овқат ҳазм қилиш аъзолари ва урологик касалликлари).

«Мироқ» санаторийсига (нафас олиш аъзолари ва асаб системаси касалликлари).

Наманган вилоятида:

- Кўп тармоқли «Чартоқ» санаторийсига (таянч-ҳаракат, юрак, қон-томир, овқат ҳазм қилиш органлари, асаб системаси, тери ва гинекологик касалликлари).

Махсус йўлланма буйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин

- «Косонсой» санаторийсига (ҳаракат-таянч, асаб, қон-томир ва юрак, нафас, овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари).

- Кўп тармоқли «Нихол» санаторийсига (овқат ҳазм қилиш аъзолари, таянч-ҳаракат, асаб системаси, эн-

докринология ва урологик касалликлари).

Махсус йўлланма буйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

Самарқанд вилоятида:

- «Абу Али Ибн Сино» санаторийсига (таянч-ҳаракат аъзолари, қон-томир, юрак ва асаб системаси касалликлари).

Фарғона вилоятида:

- Кўп тармоқли «Чимён» санаторийсига (қон-томир, юрак, таянч-ҳаракат, асаб системаси, гинекологик, урологик ва андрологик касалликлари).

Махсус йўлланма буйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

Даволаш мuddати - 18 кун.

Бизнинг йўлланмаларимиз Марказий Осиёда энг арзон йўлланмалардир!

Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нарҳида сотилади. Шу билан бирга курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек ҳамдўстлик мамлакатлари курортларига йўлланмалар олишингизга ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 24 - уй.

Мурожат учун телефонлар: 56-85-68,

56-73-56, 56-78-15, 56-70-97.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:

Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёкубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиков.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама, эълонлар
бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан
чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр курсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерли терилди на саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ўлчами А-2. Ҳажми 2 босма тибқ. Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
босмахонаси. Корхона манзили:
«Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш
вакти - 21.00
Топширилди 21.30